

4-сонли ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Бухоро ш.

“5” апрел 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Бухоройўлқўкалам» УК номидан Устав асосида иш юритувчи директор А.М.Бобоев бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган MCHJ ALI DOVUT BUNYODKOR номидан хужалик низоми асосида иш юритувчи директор Э.Азимов иккинчи томондан ишларини бажаришга доир қуйидаги мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ, бино атрофини девор билви ураш ишлари учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва молиялаштириш манбаи бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Республика йўл жамғармаси томонидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

1.2 Буюртмачи томонидан молиялаштирилаётган бино атрофини девор(забор) билан ураш қиймати тасдиқланган лойиҳа-смета бўйича аниқланади.

II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2.1 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган ишларнинг лойиҳа-смета қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 299500000(икки юз туксон туккиз миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади.

2.2 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- техника хизмати кўрсатиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.3 Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3 ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи шартномада назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

зарур ҳолларда қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

қўкаламзорлаштириш, ободонлаштиришда суғориш ва парвариш қилиш ускуналарни қурилиш-монтаж қилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб ўн кун муддатда қўкаламзорлаштириш, ободонлаштиришда сугориш ва парвариш қилиш ускуналарни қурилиш-монтаж қилиш майдонини ўзига тегишли транспорт воситалари, ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ топшириш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни муддатида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2 Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

3.3 Пудратчи қурилиш давомида лойиха-смета ҳужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни ва шу муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа, бу тўғрида буюртмачига хабар бериши шарт.

3.4 Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

3.5 Лойиха-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни мазкур объектнинг айрим харажатлари бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида Буюртмачининг руҳсати билан йўналтириши мумкин.

3.6 Лойиха-смета ҳужжатларига асосан муҳандислик коммуникацияларини қуриш, қўчириш (газ, алоқа, сув, канализация, электр ўтказиш тармоқлари ва ҳаказо) назарда тутилган ҳолларда, махсус ёрдамчи пудрат ташкилотларини жалб қилган ҳолда қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши мумкин.

4 БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

қўкаламзорлаштириш, ободонлаштиришда сугориш ва парвариш қилиш ускуналарни қурилиш-монтаж қилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

ишлар бажарилиши устидан доимий техник назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш;

Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн беш кун муддатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига молиялаштириш манбаи бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси томонидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан бўнак 30% кам бўлмаган ҳолда (аванс) бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

5 ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

5.1 Пудратчи мазкур шартномага мувофиқ аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.2 Ишларни тамомлаш вақти: « 30 » апрел 2022 йилгача.

6 ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР

6.1 Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 40 фоизи микдорида олдиндан тулов (аванс) ўтказилади.

6.2 Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансени ҳисобга олган ҳолда, объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг қолган 70 фоизи микдорида молиялаштириш амалга оширилади.

6.3 Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

6.4 Буюртмачи томонидан тузилган ушбу шартнома бўйича объектнинг умумий қиймати ҳисобидан объект учун 4 фоз микдорида бош пудрат ташкилот хизмати харажатлари сақлаб қолинади.

6.5 Техник ҳужжатларга ўзгартиришлар ўн фоздан каттароқ ҳажмда ўзгартиришлар киритиш тарафлар қелишган қўшимча смета асосида амалга оширилади.

7 ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

7.1 Буюртмачи объектда ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган техникалар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

7.2 Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

7.3 Пудратчи техник кузатувчини ишлаш учун жой билан ҳамда объектга келиб кетиши учун транспорт билан таъминлайди. Техник кузатувчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган, таъмирлаш объектида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

7.4 Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартномада кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.5 Пудратчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини бажариш ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган шаклларда ижро ҳужжатлари билан) Буюртмачига топширади.

7.6 Объектда умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

7.7 Пудратчи иш майдонини ва унга туташ йўл участкалари ва йўлакларнинг озодлигини таъминлайди.

7.8 Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафттарини юритади. Дафттарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, техниканинг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, кунлик ўртача ҳаво ҳарорати ва ёгингарчиликлар, шунингдек кўчат қуришни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар, шунингдек объект учун қабул қилинаётган кучатлар сони) акс эттирилади.

8 ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

8.1 Пудратчи ишлар бошланишидан ишлар тугаллангунгача Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

8.2 Материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект шартномага мувофиқ қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

9 ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

9.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавкулотда вазиятлар, фавкулотда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, Пудратчида зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

9.2 Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

9.3 Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

10 ИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

10.1 Ишлар тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қондаларига биноан амалга оширилади.

10.2 Пудратчи ташкилот ишчи комиссияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;
- қабул қилишга тақдим этилган объектнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;
- ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари.

10.3 Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси асосида Буюртмачи тамонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олинади.

10.4 Пудратчи ишлар тугалланган объектни Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда қабул қилиб олишдан олдин мазкур шартномага мувофиқ Буюртмачига икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11 ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

11.1 Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин ишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига (агар илова қилинган бўлса) риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари иш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

11.2 Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

11.3 Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган иш 15 (ўн беш) кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

11.4 Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

11.5 Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

12 ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

12.1 Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, №670-1. 29.08. 1998й. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Пудратчи ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ буюртмачи олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

сифатсиз бажарилган ишлари;

объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалланмаганлиги;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

Агар Пудратчи ташкилот нуқсонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, Буюртмачи Пудратчи ҳисобидан нуқсонларни бартараф этиш ҳамда нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

12.2 Мазкур шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қийматининг 0,1% (фоизи) миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

12.3 Пудратчи томонидан ишларини ўз вақтида тамомлаш ва ишларни топшириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун топширилиши кечиктирилган ишлари қийматининг 0,1% (фоизи) миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси топширилиши кечиктирилган ишлари қийматининг ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Пудратчининг ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

12.4 Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда комиссия ҳулосаси асосида Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20%(фоизи) миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

12.5 Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги, ёки лозим даражада бажарилмаганлиги мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланмаган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш

хуқукига эга.

12.6 Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

13 НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

13.1 Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда “Буюртмачи” жойлашган жойдаги ваколатли суд органи томонидан кўриб чиқилади ва ҳал қилинади.

14 АЛОҲИДА ШАРТЛАР

14.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

14.2 Пудратчи иш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқи эга бўлмайди.

14.3 Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

14.4 Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

14.5 Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусxada тузилади.

14.6 Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

14.7 Мазкур шартнома томонлар ўз мажбуриятини тўлиқ бажаргунига қадар амал қилади.

14.8 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳолатлар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

15 ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛГОҲЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ

<p>«Буюртмачи» «Бухоройўлкўкалам» УК</p>	<p>«Буюртмачи» «Али Довуд Бунёдкор» МЧЖ</p>
<p>Манзили: Бух вил. Вобкент т. Работохун МФЙ Беруний кучаси 2 уй Телефон : Ш.х/р 22626000600823673001 ИНН 305180288 ОКЕД 81300 ОКПО 27446215 Код СОАТО 1706401 Банкнинг номи: ТИФ Миллий банк Бухоро вилоят бўлими МФО 00084</p> <p>Директор:  А.М.Бобоев. М.У.</p> 	<p>Манзили: Ромитан тумани Бобир МФЙ Телефон : 972920111 х/р 20208000205065686001 ИНН 306353989. Банкнинг номи: Бухоро ОАТБкишлоқ қурилиш банк Галаосиё филиали МФО 00975</p> <p>Директор:  Э.Азимов. М.У.</p> 

«Бухоройўлкўкалам» УК
Бош юрисконсулти: